ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата Узб.
26 03 95

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 март, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 58 (1060)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси вице президенти, Германия бундестаги депутати Вилли Виммерни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг Германия ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) билан муносабатлари истиқболлари хусусида сўзлаб, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун ғоят фойдали бўлишини қайд этди.

Жаноб В. Виммер самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон заминидаги учрашувлар таассуротларга бой ва самарали бўлаётганини айтди.

Қабул маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Г. Ю. Кайльхолц иштирок этди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МОЛДОВА РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Молдова Республикаси Президенти М. Снегур таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 30-31 март кунлари Молдова Республикасига расмий ташриф буюради.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков мажлисда сўзга чиқди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Гулистон Аннақиличева Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

*• Тадбиркорга омад ёр*

## ҲАМДАМ АКА СЎЗГА ЧИҚДИ

***Тумандаги фермерларнинг Наврўз арафасида бўлиб ўтган йиғилишида «Қораабдол» фермер хўжалигининг бошлиғи Ҳамдам Қулматовга сўз беришди.***

У минбарга чиқиб, «Нимани гапирсам экан?», деб ўйлаб ҳам ўтирмади. Фермасида қилинган ишларни айтиб қўяқолди.

— Хўжалигимиз 1991 йилда ташкил топган эди. 10 сигир ва 50 қўй олиб иш бошладик. Мана ҳозир қорамолларимиз 70 бошга, қўйларимиз 250 тага етди. Ўтган йили Оролов номли ширкатлар уюшмаси фермамизга 100 гектар лалми ер ажратди. Уруғлик олиб, буғдой экдик. Гектаридан 10 центнердан ҳосил кўтардик. Буғдойни тозалаб қўйганмиз. Қишлоқдаги хонадонларга сотиб, даромад қиляпмиз. Кўкламда экиш учун ерни ҳайдаб, уруғлик тайёрлаб қўйдик.

Ҳамдам аканинг гаплари мени ҳам қизиқтириб қолиб, у киши билан суҳбатлашдим. Маълум бўлишича, ўтган йили 2 тонна гўшт, анчагина сут етиштирган. Лекин сутга эгалик қиладиган одам чиқмабди. Соғилган сут ҳаво иссиғида ачиб қолаверибди.

— Бринза таёрлайдиган цех сотиб олсам, сут ҳам бузилмасди, — дейди Ҳамдам ака. — Қолаверса, бошқа ўзидан ортиқча сутни сотадиган фермерлар, хонадонларга қўл келиши мумкин. Бу билан биринчидан нобудгарчиликка барҳам берилса, иккинчидан чорвадорларнинг даромади ортади. Бу ўз-ўзидан эл дастурхонининг тўкин бўлишига олиб келиши шубҳасиз.

Ҳамдам ака оиласидаги каттаю кичик ҳаммаси чорва парвариши билан банд. Ҳозирги қиш пайтида уларнинг ташвиши янада кўпайган. Молларга ҳашак солиш, емсув бериш, яйловга ҳайдаш, янги туғилган қўзи ва бузоқларни парваришлаш оила аъзоларининг зиммасида. Турмуш ўртоғи Тўти опа қизкелинлари Раъно, Муҳайё, Марҳабо, ўғли Раббим — ҳаммаси ишнинг кўзини биладиган меҳнатсевар инсонлар.

Ишбилармонлик, тадбиркорлик билан иш тутаётган Оролов ширкатлар уюшмасига қарашли «Қораабдол» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳамдам Қулматов ўтган йили қилган даромади ҳисобидан бу йил янги молхона солиб, молларни кўпайтириш, халққа кўпроқ маҳсулот етказиб бериш тараддудида юрибди.

**Н. ХУДАНОВ.**

*• Ғалла мустақиллиги учун*

***ҚИШ-ҚИРОВЛИ кунлар ортда қолиб, дала ва боғ-роғларимизда баҳорнинг яшнатувчи нафаси сезилиб қолди. Кўклам илиқлиги билан кузги бошоқли дон экинларининг ўсиш-ривожланиш босқичига ўтиши тезлаша бошлаган ҳозирги кунларда уларнинг парвариши билан боғлиқ юмушларнинг вақтида ва оби-тобида бажарилиши бўлажак мўл ва сифатли ҳосил тақдирини белгиловчи асосий шартлардан биридир.***

## БАҲОР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВР

Куз ва қиш ойларида ўтказилган муттасил кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг бир қатор вилоят ва туманларида кузги ғалла экиш мавсуми, уларнинг кузги-қишги парвариши мақбул муддатларда тез ва соз ўтказилгани, бунинг устига об-ҳаво ҳам анча қулай келгани натижасида ғалла майсаларининг бугунги ривожи анча яхши. Суғориладиган ва лалмикор ерлардаги жами кузги ғалланинг қарийб 65-70 фоизи тулик тўплаш, 10-15 фоизи найчалаш даврига кирганлиги кузатилмоқда.

Маълумки, бошоқли дон экинларининг баҳорги парвариши бошланган ҳозирги кунларда қишловдан эндигина чиққан майсалар анча заифлашган, толиққан бўлиб, уларнинг илдиз тизими ҳали яхши ривожланмаган, тупроқдаги озиқа моддалардан тўлиқ фойдаланиш қобилиятига эга эмас. Бундан ташқари, республикадаги деярли барча суғориладиган ва лалмикор бўз тупроқларда ўсимлик ўзлаштира оладиган макро ва микро озиқа моддаларининг етишмаслиги ғалла ҳосилини чегаралаб қўяди. Ҳаётий зарур бўлган азотли бирикмаларнинг қишги ёғин-сочин таъсирида тупроқнинг пастки қатламларига сизиб ўтиши ҳам танқисликни юзага келтиради.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, республика ғаллакорлари олдида турган ғоят масъулиятли чора-тадбирлардан бири кузги ғалла майсаларини зудлик билан озиқлантиришдир. Гарчи, бу муҳим агротехник чора-тадбир Фарғона водийси, Бухоро, Жиззах вилоятларида тўлиқ бажарилган бўлса, Навоий, Қашқадарё вилоятларида озиқлантириш сифати ва суърати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Кўп йиллик тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатдики, кузги ғалла илмий асосланган меъёр ва муддатларда озиқлантирганда олинадиган қўшимча дон ҳосили суғориладиган ерларнинг тупроқ-иқлим шароитига, аввал қайси экин экилганига, ўғитларнинг турига, агротехника сифатига, навларнинг биологик хусусиятига қараб гектарига 5 центнердан 20 центнергача ва ҳатто ундан зиёд ортиши мумкин. Ғалла экинларини озиқлантиришнинг илмий асосланган меъёрига кўра барча ўғитлар мақбул нисбатда бўлиши зарур. Бошқача айтганда, бирорта озиқа модданинг кам ёки ортиқча бўлиши бошқа озиқа моддаларнинг ҳам самарасини кескин пасайтириб юборади.

Суғориладиган ерларда кузги ғаллани азотли ўғитлар билан озиқлантиришни ўсимликнинг ҳолатига, тупроқ-иқлим шароитига қараб табақалашган ҳолда ўтказиш лозим. Ўғитларнинг самарасини ошириш, атроф муҳитнинг зарарли кимёвий бирикмалар билан ифлосланишини камайтириш учун сизот сувлари яқин жойлашган унумдор ўтлоқ-бўз, ботқоқ тупроқларда ўсимлик тўлиқ туплаган даврида биринчи марта гектарига 50-60 кг. (соф озиқа модда ҳисобида), найчалаш даврида эса иккинчи марта гектарига 60-65 кг. ҳисобида озиқлантириш тавсия этилади. Сизот сувлари узоқ жойлашган оғир механик таркибли автоморф тупроқларда азотли ўғитни тўплаш ва найчалаш даврларида гектарига 70-75 килограммдан солиш зарур. Беда, дуккакли дон экинларидан сўнг экилган кузги ғаллани озиқлантиришда азотли ўғитларнинг йиллик меъёри 20-30 фоиз камайтирилиши керак.

Суғориладиган майдонларда кузги ғалла экинларига ўсимликнинг талабига, ҳосил миқдорига қараб учинчи марта азотли ўғит бериш мумкин. Бунда ўсимликнинг гуллаш пайтидан доннинг сут давригача бўлган муддатларда гектарига 30 кг. ҳисобида ўғит берилганда ҳосилдорлик 2-5 центнер, дон таркибидаги оқсил эса 2-2,5 фоиз ошади. Кечки озиқлантиришни суғориш пайтида ўғитни бир меъёрда сувга оқизиб туриш, кузда экилмай қолдириб кетилган технологик изларга махсус пуркагичлар ёрдамида эритма ҳолида пуркаш ҳам мумкин.

Суғориш тартибига тўғри амал қилиш бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олишнинг асосий шартидир. Суғориш меъёри ва муддати тупроқнинг механик таркибига, сизот сувларининг узоқ-яқинлигига ва шўрланганлик даражасига қараб белгиланиши лозим. Суғориш ва озиқлантириш бирга қўшиб ўтказилса, самараси янада ошади.

Жанубий вилоятларнинг сизот сувлари узоқ жойлашган, енгил ва ўртача қумоқли тупроқларида кузги ғалла гектарига 750-800 куб метр ҳисобида 3-5 марта, марказий вилоятларда тупроқнинг механик таркиби, сизот сувларининг жойлашиши, ёғин-сочин миқдорига қараб вегетация давомида 650-700 куб метр ҳисобида 2-3 марта суғориш тавсия этилади. Тупроғи турлича шўрланган минтақаларда чеклар ёрдамида суғорилади.

Ҳозир республиканинг жанубий вилоятларида (Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро) иккинчи озиқлантиришга киришиш пайтидир. Бунинг учун зудлик билан зарур миқдорда азотли ўғитларни жамғариш зарур. Марказий ва шимолий вилоятларда эса иккинчи озиқлантиришга киришиш мақсадга мувофиқдир.

Республиканинг қуйи лалмикор минтақаларида озиқлантириш меъёри гектарига 30-40 килограмм, тоғолди ва тоғли минтақаларда эса 40-60 килограмм бўлиши лозим. Лалми ерларда озиқлантиришни биринчи навбатда сурункасига ғалла экилган тупроғи унумсиз ва ювилган майдонлардан бошлаш маъқулдир.

Лалми ерларда тупроқдаги намликни сақлаш, ғаллазорни бегона ўтлардан тозалашда бороналаш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Ўсимликнинг тўлиқ туплаш даврида, экиш йўналишига нисбатан кўндалангига бороналаш зарур. Бу тадбир ғалла ҳосилини 1,5-2 центнер оширади ва бегона ўтларни 60-70 фоиз камайтиради. Бороналаш барча лалми майдонларда озиқлантириш билан бирга қўшиб олиб борилса яхши самара беради.

Ғалладан кейин иккинчи ҳосил олиш учун тариқ, қўноқ ва тезпишар маккажўхори етиштириш жумҳуриятимизнинг ҳамма ҳудудларида қўлласа бўладиган амалдир. Маккажўхорини дон учун 20 июндан кечикмасдан экиш зарур бўлса, тариқ ва қўноқни жанубий ҳудудларда 1 августгача, марказий ҳудудларда 22 июлгача, шимолий ҳудудларда 10 июлгача экиш лозим бўлади. Тариқ ва қўноқ маккажўхорига қараганда 2-2,5 баравар кам сув талаб қилади. Гектарига 25-30 центнердан ҳосил тўкади. Тариқ ва қўноқнинг сомони тўйимлилиги жиҳатидан беда пичанига тенг бўлади. Бир гектар ерга 8-10 кг. уруғ сепилади.

Тариқ ва қўноқ уруғи апрель ойида ҳар бир туманда 20-30 гектар майдонга такрорий экилса, майдонлар ғалладан бўшагунча, уруғ ҳам етилиб қолади. Бу экиннинг уруғини ўриб олиш билан қайта экса бўлади.

Кузги ғалладан бўшаган майдонларда тупроқнинг нами етарли бўлса, БДТ-3,8, БДТ-7 русумли оғир диска бороналар ёки ЧКУ-4 русумли чизель-культиваторлар билан 10-12 см. чуқурликда тезда ишлов берилади. Агар ғалла экилган майдон ўрим-йиғимдан олдин суғорилмаган бўлса, гектарига 500-550 куб метр меъёрида енгил суғорилади ва ер етилгач, экишга тайёрланади.

Тупроқнинг устки қисми юмшоқ бўлиб турса, маккажўхорини 6-8 см, тариқ ва қўноқни 4-6 см. чуқурликка экса бўлади.

**К. ЭШМИРЗАЕВ,**
**«Ғалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.**
**Х. ЮСУПОВ,**
**институтнинг деҳқончилик бўлими бошлиғи.**

*• Мухбиримиз бонг ургди*

## «БОЙ БЎЛИБ БОЛТАСИ ЙЎҚ...»

***Навоий вилоятида ўз аҳолисини балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан тўла таъминлаш имконияти бор. Шўркўл сув омбори 1.700 гектар, Тўдакўл сув омбори 18.000 гектар, Айдар кўли 40.000 гектар ерни эгаллаб ётибди. Бироқ вилоятда балиққа бўлган эҳтиёж ҳамон қондирилмаяпти. Шуни айтсалар керак-да, «бой бўлиб болтаси йўқ» деб.***

НАВОИЙДА балиқ хўжалиги саноати бошқармаси 1982 йилда тузилган эди. Ўша пайтларда унинг зиммасига 180 тонна балиқ овлаш режаси юкланди. 1994 йилгача бу режа ошиғи билан адо этилиб, 1993 йилда ҳатто, рекорд натижа — 726 тонна балиқ овланди. Бироқ 1994 йилда бу кўрсаткич тушиб кетиб, атиги 500 тоннани ташкил этди. Нега?!

Негалигини вилоятдаги қайси раҳбардан сўраманг, фалон йилдан буён балиқ овлайдиган тўр, ёки қайиқ олинмаганини сабаб қилиб кўрсатади. Тўғри, балиқни тўр ёки қайиқсиз овлаб бўлмайди. Лекин уни биров осмондан олиб тушиб бермаслиги ҳам аён-ку.

Тўғрисини айтганда вилоятда бошқа соҳалардаги каби балиқчиликда ҳам қатор муаммолар тўпланиб қолган. Тепадан қандайдир каромат бўлишини кутиб ўрганган раҳбарлар ҳамон янгича ишлаш ва яшашга кўника олмаяптилар. Ҳалиям бахтларига Навоий тоғ металлургия комбинати бор экан. Унинг ёрдами туфайли ўтган йили 15 та қайиқ, эҳтиёт қисмлар ва тўр сотиб олинди. Балиқ комбинати раҳбарининг таъкидлашича, тўр, қайиқ-пайиқлар сотиб олган билан барибир муаммо ҳал бўлмас эмиш. Боиси вилоятда балиқ овлаш учун махсус сув ҳавзалари қурилмаган.

Махсус ҳавзаларни қуриш учун 1000-1500 гектар ер зарур. Ер масаласи-ку, ҳал бўлар, уни қуришга маблағ-чи? 400 дона тўр олишга қурби етмаган ташкилот ҳавза учун маблағ топа олармикин?

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, вилоятда учта кўл бўлгани ҳолда ҳамон балиқ маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар йўқ. Дейлик, ўтган йили Нурота туманидаги 30 тага яқин чўпон отари Айдар кўли суви тагида қолди. Вилоят иқтисодиёти жиддий зарар кўрди. Лекин зарарни қоплаш учун бирор иш қилинмади. Агар Нуротада ёки Навоийда кичик-кичик балиқ дудлаш, консервалаш цехлари ташкил этилганда кўрилган зарар қопланар, вилоят аҳлининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондириларди. Ваҳоланки, бу йил вилоят балиқ комбинати Россиядан балиқ консерваси олиб келиш учун 600 минг сўм миқдорида қарз олмоқчи. Ҳар йили шунча пул қарз олиб маҳсулот келтиргунча шу пулга кичикроқ цехлар қурилса қанча муаммо ҳал бўлади. Албатта, буни тушуниш учун жудаям катта ақл керак эмас. Фақат республикамизда кечаётган бугунги жараёнлардан воқиф бўлиш ва ортда қолиб кетмасликка ҳаракат қилмоқ керак. Зеро, ортда қолган сондан чиқади.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР*

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**
"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ

***Самарқандда Амир Темур номи билан аталадиган жамғарма ташкил этилди.***

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш, шаҳардаги тарихий меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишларини ўтказиш, улуғ саркардага ёдгорлик ўрнатиш билан боғлиқ юмушларга ана шу жамғарма маблағ сарфлайди, аъзолари бош-қош бўлади.

Ҳозирданоқ турли корхона, ташкилот, муассаса ва шахслардан жамғармага маблағ туша бошлади.

### МЕҲР-ШАФҚАТ ЧЕГАРА БИЛМАС



**Пойтахтнинг диққатга сазовор жойларидан бири — «Ганга» магазини жойлашган тўққиз қаватли бинодаги чоғроқ хонада макон топган Халқаро меҳр-шафқат корпусининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ, бироқ анча-мунча хайрли ишларни бошлаб қўйди. Жумладан, оғир хасталикка дучор бўлган болалар сиҳатгоҳи — «Умид» табобат марказига дори-дармонлардан ёрдам кўрсатилди, бу алоқаларни изчил давом эттириб, муттасил оталиққа олиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, бошқа болалар муассасалари билан ҳам доимий муносабатда бўлиш тадбирлари кўрилмоқда.**

**Ваколатхона директори бўлиб ишлаётган Сальватре Амадеонинг таъкидлашича, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиш корпуснинг ўзини-ўзи моддий таъминлаш манбаларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу ҳолни шу тоифа кишилари эътиборга олиб қўйишса, икки томонлама фойдали бўларди. «Мамлакатда олиб борилаётган ишлар бизнинг ҳам фаолиятимизга кучли омил бағишлайди», дейди директор.**

**СУРАТДА: Сальватре Амадео.**

### ҲАЛ БЎЛМАЙДИГАН МУАММОНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

***Гулистон ёғ-экстракция заводи қошида барпо этилган янги цехда «Наф» кир ювиш воситаси ва кирсовун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Уй бекалари «Наф»нинг кирни кетказиш ва оқартириш хусусиятларига юқори баҳо беришди. Вилоятда кирсовун тақчиллиги ҳам барҳам топди. Янги цех кунига бир ярим тоннагача маҳсулот ишлаб чиқара олади. Бу эса, сирдарёликларнинг эҳтиёжини қондириш учун ҳам, республиканинг бошқа минтақаларига жўнатиш учун ҳам етарлидир.

### МЕҲР-ШАФҚАТ ҲАФТАЛИГИ

***«Маҳалла» республика хайрия жамғармасининг Наманган вилояти бўлими боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга, ёлғиз қарияларга ёрдам бериш учун 200 минг сўмдан кўпроқ пул ажратди.***

Бу маблағ Наврўз арафасида вилоятда ўтказилган шанбаликларда жамғармага тушган пулдир.

Жамғарма вилоятда Наврўз байрамига бағишлаб эълон қилинган хайрия ва меҳр-шафқат ҳафталигида ана шу тарзда иштирок этди.

### «ОЛТИН ВОДИЙ» ХИЗМАТДА



**Ўзбекистон темир йўл давлат корпорациясининг Фарғона бўлимида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, зарур қулайликлар яратиш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Айниқса, «Андижон—Тошкент» йўналишида қатнаётган «Олтин водий» фирма поезди вагонлари тўшамалар, гиламлар, мебеллар билан жиҳозланди. Йўл кузатувчилар ҳам махсус танлов асосида ишга олинадиган бўлди.**

**СУРАТДА: «Олтин водий» поездининг йўл кузатувчиси Муҳаммаджон Эрматов.**

### ТошАТФК ХИТОЙ САРИ ОТЛАНДИ

***Ўзбекистон билан ХХР ўртасида юк автомобиллари қатнай бошлади.***

Тошкент автотранспортдан фойдаланиш комбинати Ўзбекистон халқаро автотранспорт бирлашмасининг энг йирик бўлинмаларидан биридир. Унинг ходимлари республикамизда, МДҲ мамлакатларида ва узоқ хорижда саноат моллари, бинокорлик материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ёқилғи, фуқароларнинг шахсий буюмлари ва бошқа кўплаб юкларни ташиш билан шуғулланадилар.

*ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР*



# 26 МАРТ — УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

*Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасида Президент, шунингдек, давлатнинг ҳар уччала: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимлари бир хил муддат — беш йил мобайнида фаолият кўрсатади. Аммо ҳозир ана шу даврийликда уйғунлик йўқ. Чунки республика Президенти ваколати 1997 йилнинг бошида тугалланса, Парламентнинг галдаги сессиясида тасдиқланадиган ҳукумат ва суднинг ваколати эса 2000-йилгача бўлади (Олий Мажлиснинг ҳам ваколати ана шу даврғачадир.)*

## КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ушбу номутаносиблик қандай вужудга келди? Давр тақозаси туфайли, эски парламент (Олий Кенгаш) 1990 йилда, Президент 1991 йилнинг охирида сайланганди, янги Конституция эса 1992 йилнинг декабрида қабул қилинганди.

Бу номутаносибликнинг оқибати эса салбий бўлиши мумкин. Нега? Гап шундаки, Конституцияга мувофиқ республикамиз Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланиб, у Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлайди ва Олий Мажлис тасдиғига киритади. Шунингдек у Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзоларини ҳам парламентга тақдим этади.

Бордию, Референдум ўрнига умумхалқ сайлови ўтказилиб, Каримов ғолиб чиқса, ушбу номутаносибликнинг то Президентлик ваколатининг охиригача таъсири сезилмайди. Чунки, И. Каримов ўзи тавсия этган ва Парламент тасдиқлаган ҳукумат билан ишлайверади. Лекин орадан йиллар ўтиб, бошқа Президент сайланса, у янги ҳукумат ва суд тузиши табиий. Бунинг учун эса, у аввало, «эски» ҳукумат ва судга истеъфога чиқишни таклиф этади. Аммо улар: «Парламент бизни беш йилга сайлаган, ҳали уч йиллик ваколатимиз бор!» — деган важни келтиришади. Парламент ҳам ўз обрўйини туширишни истамайди. Шу тариқа Президент билан ҳукумат, суд ҳамда Парламент ўртасида келишмовчилик чиқиши турган гап. Бу эса жамиятдаги осойишталикка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Олий Мажлиснинг биринчи сессияси ушбу муаммони ҳал этишнинг энг мақбул йўли — Президентимиз ваколатини 1997 йилдан 2000-йилгача узайтириш юзасидан шу йил 26 март куни умумхалқ Референдум ўтказишни лозим деб топди.

Аммо бу ҳолга хориждан паноҳ топишган айрим «ватанпарварларимиз» турлича тўн кийдиришяпти. Масалан, дейишяптики, Референдум гўёки «қўлбола парламентга» берилган буйруқ асосида ташкил этилганмиш.

Маълумки, ҳар бир бўлғуси депутат ниҳоятда катта курашлардан сўнг мандат олишга муваффақ бўлди. Кузатувчи сифатида қатнашган хорижий сиёсатчилар сайлов демократиянинг барча қонун-қоидалари асосида ўтганини таъкидлашди. Масалан, энг демократик мамлакат ҳисобланмиш АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Кларк (у Тошкентдаги 29-округнинг 64-сайлов участкасида кузатувчи эди) шундай деганди: «Бугунги сайлов мамлакатингизда янги Конституцияга мувофиқ, демократия асосида ўтди...». «Қисқа давр ичида, деб айтди тағин бир кузатувчи — Халқаро Аденауэр жамғармасининг вакили Седат Акай, — республикангизнинг кенг демократик йўлга тушгани бизни ниҳоятда хушнуд этаяпти». Демак, ана шу йўсинда сайланган Олий Мажлиснинг нимаси «қўлбола» бўларкан!

Референдум ўтказиш ҳақида парламентга ҳеч ким буйруқ бергани йўқ. Ушбу ғоя Парламентдан чиқди. Сессиянинг иккинчи кунидаги мажлис бошланишидан бир соатча илгари биз — вакиллар Кенгаши аъзолари йиғилиб, ана шу номутаносиблик масаласини кўриб чиқиб, уни Президентлик ваколатини 1997 йилдан 2000-йилгача узайтириш бўйича Референдум орқали ҳал қилиш мумкин деган хулосага келдик. Ва сессияда бизни барча ноиблар қўллаб-қувватлашди.

Каримов эса ўз Конституциявий бурчидан келиб чиқиб (Конституциямизнинг 93-моддасидаги 8-бандида Ўзбекистон Республикаси Президенти «республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди» дейилган) Референдумга розилик билдирди.

Айрим аламзадаларимиз эса «Каримов номзодини умумхалқ сайловига қўйишни истамаяпти, чунки Ўзбекистонда ислоҳотлар салбий самара бермоқда», деб сайрашяпти ҳам.

Шу ерда бир «чекиниш» қилсак.

1990 йилнинг 15 мартида собиқ СССРда президентлик лавозими таъсис этилди ва парламент ушбу лавозимга Горбачевни сайлади. Бу аста-секинлик билан дарз кета бошлаган шўролар салтанатини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган тадбир эди.

Орадан тўққиз кун ўтгач эса Совет Иттифоқи ҳудудида яна бир Президент пайдо бўлди: Ўзбекистон Олий Кенгаши Ислом Каримовни республика Президенти этиб сайлади. Бу бир юз ўттиз йил давомида мустамлакачилик асоратида яшаётган юртимизнинг, ниҳоят, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаётганлигининг белгиси эди. Ва шу боис ҳам кутилмаган бу ҳол Марказни эсанкиратиб қўйди. Пайтавасига қурт тушган Кремлдаги тўралар Каримовнинг ибрати бошқаларга «юқмаслиги» учун ўлиб-тирилиб, Ўзбекистонда бошланган ташаббуснинг пайини қирқишга уринишди. Чунки у бошқа жойларда қанча кенг қанот ёйса, салтанатнинг таъсир доираси ўшанча камаяр ва бора-бора унга кучли зарба берилиши муқаррар эди-да.

Мустақиллик ҳар бир халқ учун, ҳар бир инсон учун энг олий неъмат. Ва Каримовнинг дадиллиги ана шу муқаддас орзунинг амалга ошиши учун йўл очиб беришини англашган бошқа республикадагилар ҳам бирин-кетин ўз ҳудудларида президентлик лавозимини таъсис эта бошлашди.

Улар ҳам Горбачев ва Каримов сингари парламент орқали сайланишди. Кейин у ер, бу ерда: «Парламент сайлаган Президент ҳам Президентми...» қабилидаги истеҳзоли луқмалар қулоққа чалинди. Орияти кучли Ислом Каримов бу луқмаларни қабул қила олмади. Унинг наздида улар нафақат унга, балки бутун Ўзбекистон шаънига доғ бўлиб тушаётгандай туюлаверди. Шу боис у ўзини тағин ўтга ташлади: республика Президентлиги учун юртимизда умумхалқ сайлови ўтказилишини талаб қилди. «Ўзини ўтга ташлади» деганимизнинг сабаби шундаки, ушбу тадбирнинг Каримов учун бир қадар нозик томонлари бор эди.

Биринчидан, ўшанда Каримов ўз эзгу ниятларини амалга ошириш йўлида илк қадамлар ташлаётганди.

Иккинчидан, қизил салтанатнинг шоҳига гурзи туширган Каримовдан ич-ичида аламзада бўлиб юрган Горбачевга бу «ўзбошимча» ўзбекнинг бу қадами ҳам яна бир зарба бўлиб тушар, тўғрироғи унинг ҳамиятига тегиб кетарди. Чунки, Михаил Сергеевич умумхалқ сайловини хаёлига ҳам келтирмас, тўғрироғи қўрқарди, сабаби, «қайта қуриш» сиёсати инқирозга учрай бошлаган ва у ишончлари саробга айланган одамларнинг унга овоз беришлари амри маҳоллигини сезарди. Шу боис салтанат ҳокими Ислом Каримовнинг сайловдан қулаб тушиши учун зимдан «тегишли шарт-шароит» яратмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди.

Учинчидан, «қайта қуриш»нинг сохта демократияси тўлқини бизнинг юртга ҳам етиб кела бошлаган, эркинликдан сармаст бўлиб қолишган айрим «раҳнамолар»нинг саъй-ҳаракатлари оқибатида мамлакатимиз бошбошдоқчилик остонасида турарди.

Хулоса қилиб айтганда, ўшандай нозик вазиятда ўтказиладиган сайловнинг тақдири қандай бўлиши биргина Яратганнинг ўзига аён эди, холос.

Аммо муқобиллик асосида ўтган ўша сайловда Ислом Каримов 86 фоиздан кўпроқ овоз олган эди-ку!

Энди ислоҳотларнинг бориши хусусида.

Собиқ СССР республикалари ичида дунё ҳамжамияти томонидан энг мукаммал деб топилган ўтиш дастуримизнинг амалиётда муваффақиятли қўлланиши туфайли биргина 1994 йили бизда ялпи ички маҳсулот ҳажми атиги 3,5 фоиз камайган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 16, Қозоғистонда 25,4 фоизни ташкил этди.

Агар таққослаш учун 1991 йилни оладиган бўлсак, фарқ ундан ҳам катта. Масалан, бизда саноат ишлаб чиқариши ўша йилга нисбатан 2 фоизга камайган бўлса, Украинада 38, Россияда 44, Қозоғистонда 48 фоизга етди.

Иқтисодий мустақилликка эришиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар қилинмоқда, агар илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, бу йилги режа бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш. 1996 йилдан бошлаб эса биз халқ хўжалик эҳтиёжларини тўла ўз нефть маҳсулотларимиз билан таъминлаймиз. Металлургия, химия, машинасозлик ва бошқа йирик тармоқларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Агар илгари четдан 5-6 миллион тонна ғалла келтирилган бўлса, айни пайтда бу миқдор 3,5 миллион тоннани ташкил этади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтириш 7 баравар камайди, сут ва сут маҳсулотлари эса 28 фоиздан 5 фоизга тушди. Бундан ташқари кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган қатор маҳсулотлар ўзимизда тайёрланмоқда. Республикада автомобилсозлик саноатига асос солинди.

Ҳа, бугунги кунда Ўзбекистондаги иқтисодий вазият МДҲдаги кўпгина мамлакатларга қараганда анча яхши десак, муболаға бўлмайди. Лекин бу, ислоҳотларнинг бориши бизни тўлиқ қониқтиради, деган маънони англатмайди. Ҳаётимизда муаммо-ю, қийинчиликлар бор. Бир тузумдан иккинчисига ўтиш даврига хос бўлган бу камчиликлар икки-уч кунда ҳал этилмаслигига мустамлакачилик асоратидан қутулиб, ҳозирда ривожланган давлатлар сафидан жой олган мамлакатларнинг тарихий тажрибаси яққол мисол бўлолмайдими?..

Баъзи «раҳнамолар» ушбу Референдум Ўзбекистон Конституциясига мутлақо зид, деб жар солиш ўрнига, Конституциямизни чуқурроқ ўқиб чиқишса, яхши бўларди. Унинг иккинчи бобидаги 9-моддасида «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (Референдумга) қўйилади», — деб ёзилган. Юқорида таъкидланган номутаносиблик ҳам ана шундай муҳим масала ҳисобланади.

Референдум ўтказиш ҳақидаги қарорни барча ўзбекистонликлар қизғин қўллаб-қувватлашаяпти. Аммо муҳими — одамларнинг ушбу тадбир ислоҳотларнинг жадал суръатлар билан одим отишига тағинда мустаҳкам замин яратишига, юртимиз осойишталигининг сақлаб қолинишига кафолат эканини юрак-юракдан ҳис этишаётгани.

**Анвар ЖЎРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати.**

## ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

***Олий Мажлиснинг Президентлик ваколати муддатини узайтириш бўйича умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарорини жиззахликлар қизғин кутиб олдилар. Ушбу тадбирга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида Референдум ўтказувчи вилоят округ комиссия раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Байрамбек УЗОҚОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.***

— Олий Мажлиснинг биринчи сессияси якунланган кунданоқ вилоят ҳокимлиги Референдум хусусида махсус қарор қабул қилди. Референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан уни ўтказиш учун 9 кишидан иборат вилоят округ комиссияси тузилгандан кейин тайёргарлик суръати янада авж олди.

Одамларга Референдумнинг моҳиятини атрофлича тушунтириш мақсадида дастлаб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Маҳаллий матбуот ҳамда вилоят телевидение ва радиоси орқали «26 март — умумхалқ Референдуми куни» рукни остида мунтазам ҳуқуқшунослар ва жамоат ташкилотлари вакилларининг чиқишлари уюштирилди.

Вилоят ҳудудида Референдум ўтказувчи 395 та участка тузилди. Уларга ажратилган жойлар Олий Мажлис қарорлари, тегишли адабиётлар ва бошқа кўргазмали воситалар билан жиҳозланди.

Маълумки, вилоятимиздаги Зомин, Бахмал, Ғаллаорол ва Фориш туманлари, асосан, тоғли ҳудудда жойлашган. Устига устак, чўпон отарлари ҳам марказдан анча олис. Шу боис кўп жойларда телефон алоқаси ўрнатишнинг иложи йўқ. Лекин биз унинг энг қулай ва осон йўлини топдик. Ўша жойларда ташкил этилган участкалар билан рация алоқаси ўрнатилди. Ишчи гуруҳлари ихтиёрига махсус жиҳозланган машиналар ажратилди.

Айни пайтда Референдум ўтказувчи участкаларда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етай, деб қолди. Жойларда Референдумнинг моҳияти ва унда иштирок этиш тартиб-қоидалари ҳақида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Жиззахликлар умумхалқ Референдумида фаоллик ва уюшқоқлик кўрсатадилар, деган умиддаман.

**«Халқ сўзи» мухбири Ҳ. НАБИРАЕВ ёзиб олди.**

## ЭЛНИНГ ЯКДИЛЛИГИ — ВАТАН САОДАТИ

***Мухбиримиз умумхалқ Референдумини ўтказувчи Андижон вилоят округ комиссияси раиси, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. ЮСУПОВ билан умумхалқ сўровига тайёргарликларнинг бориши ва бу борада қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.***

**— Машарип Юсупович, 26 март куни ўтадиган умумхалқ Референдумида бир миллиондан зиёд андижонликлар қатнашиши кўзда тутилаяпти. Унга вилоятда қандай ҳозирлик кўрилди?**

— Очиғи, Референдумни ўтказиш бизга унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди. Чунки хабарингиз бор, яқиндагина Олий Мажлисга сайловларни ўтказган эдик. Демак, бу борада тажрибамиз етарли.

Айни пайтда вилоятда Референдум ўтказувчи участкалар тузилиб, улар зарурий жиҳозлар билан тўла таъминланди. Бюллетенлар учун қутилар, кабиналар тартибга келтириб қўйилди. Махсус транспортлар ажратилди. Аҳолини қайтадан рўйхатга олиш ишлари қизғин бораяпти. Таъбир жоиз бўлса, Референдум олди ишларига, асосан, жамоат ишларида камарбаста бўлган ҳамда кўпчиликнинг ҳурматини қозонган кишилар жалб этилди. Шунингдек, ҳуқуқшунос ва зиёлилардан махсус гуруҳлар ташкил этилди. Улар аҳоли ўртасида умумхалқ Референдумининг моҳияти, уни ўтказиш тартиби хусусида тушунтириш ишлари олиб боришаётир.

Айни кунларда вилоятдаги кўплаб жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ўқув муассасаларида умумхалқ Референдумига бағишланган йиғилишлар бўлиб, улар воситасида вилоят аҳолиси ушбу тадбирда фаол иштирок этиш ва хоҳиш-иродаларини эркин тарзда баён қилишга даъват этилмоқда.

**Суҳбатдош: Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҲСУЛИ

### УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА ҲАР КУНИ ЎНЛАБ ШОШИЛИНЧНОМАЛАР КЕЛИБ ТУРИБДИ

***Умумхалқ сўрови — Референдум ўтказилишининг ўзи мамлакатимизда ҳурфикрлилик ва демократиянинг устивор эканлигидан далолат беради. Чунки, бунда кун тартибидаги масалани бевосита халқнинг ўзи ҳал қилади.***

Шу ўринда, хўш, Референдум халққа нима беради, деган савол туғилиши мумкин. Унга жавоб топиш учун узоққа бормасдан, республикамизнинг мустақиллик шароитида босиб ўтган қисқа йўлига назар солсак, бас.

Халқимиз хоҳиш-иродасининг қудрати қай даражада эканлигини ўтган вақт мобайнида эришган улкан ютуқларимиздан ҳам билсак бўлади. Ҳа, халқ даҳоси ҳамиша буюкдир. У ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам воқеа-ҳодисаларга ўзининг одил баҳосини беради.

Шу ўринда бир мулоҳазани алоҳида таъкидлаш лозим. Халқимиз ҳар бир сиёсий тадбирга миллатимиз турмуш тарзига хос бўлган вазминлик, мулоҳазакорлик, етти ўлчаб бир кесиш каби хусусиятларидан келиб чиққан, унинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, катта масъулият ҳамда уюшқоқлик билан ёндашади. Буни ҳаётимизда юз берган ана шундай мазмундаги сиёсий тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, бу халқ демократиясининг энг мукаммал кўринишидир. Республикамиздаги тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликни эса унинг маҳсули деб баҳолаш лозим.

Шу кунларда республикамиз фуқаролари яна бир муҳим сиёсий тадбир арафасида турибди. Маълумки, янгидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси республика Президенти ваколати муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш учун умумхалқ Референдуми ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Ҳозир жойларда уни пухта ва уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Умумхалқ сўрови ўтказиш тўғрисидаги парламент қарори халқимиз хоҳиш-иродаси билан тўла мос келганлиги қувонарли ҳолдир. Одамлар Референдумнинг аҳамиятини тўғри тушуниб, унга фаол муносабатда бўлишаяпти. Муҳарриятимизга бу ҳақда фуқаролар, меҳнат жамоаларидан ҳар куни ўнлаб шошилинчномалар келиб турибди. Унда меҳнаткашлар Президент ваколати муддатини узайтириш учун ўтказиладиган умумхалқ сўровини қўллаб-қувватлаб, Референдумда ўзларининг фаол иштирок этишларини билдиришмоқда.

«Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболи сари дадил қадам ташламоқда, — деб ёзади Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманининг бир гуруҳ илғор қоракўлчилари. — Бугунги оқилона сиёсат, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори кун сайин юксалиб бораяпти. Кўп миллатли жонажон Ватанимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлиб турганлиги, порлоқ келажакнинг яқинлиги барчамизни юксак мақсадларни кўзлаб меҳнат қилишга ундайди. Юртимизда кечаётган хайрли ўзгаришларнинг бошида юртбошимиз турибди. Биз у кишига чин дилдан ишонамиз. Шунинг учун ҳам 26 март куни бўлиб ўтадиган умумхалқ Референдумида фаол иштирок этишга қарор қилдик.»

«Тошкент шаҳри, «Халқ сўзи» газетасига.

Шу йилнинг март ойида Қўқон шаҳридаги очиқ турдаги «Қўқондонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятида 370 нафар ишчи-хизматчилардан иборат митинг бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Президент ваколати муддатини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш ҳақидаги Олий Мажлис қарорини якдиллик билан маъқуллаб, Референдумда фаол иштирок этишга қарор қилишди...»

«...Бешариқ туманидаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ишчи-хизматчилари 26 март куни ўтказиладиган умумхалқ сўровини якдиллик билан қўллаб-қувватлашмоқда. Биз Олий Мажлиснинг ушбу қарорини мустақил республикамизда ҳуқуқий давлатни қарор топтириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам, деб ҳисоблаймиз».

Булар — қўлимиздаги телеграммалардан айрим намуналар, холос. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай дил изҳорларининг ҳар бирига юзлаб, минглаб фуқаролар имзо чекишган. Мисол учун, Қўқон шаҳар тиббиёт билим юртининг икки минг нафардан зиёд ўқитувчи-талабалари, Бешариқ туманидаги ип йигирув-тикув фабрикасининг 400 кишилик меҳнат жамоаси, Фарғона туманининг икки ярим минг нафардан иборат тиббиёт ходими ва бошқалар умумхалқ Референдумининг айни муддао эканлигини таъкидлаб, унда фаол қатнашишларини билдиришган. Шунингдек, очиқ турдаги «Фарғона сунъий чарм заводи» ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари, мазкур вилоятдаги «Искож» заводи жамоаси, Муқимий номидаги Қўқон давлат педогогика институти ўқитувчи-ўқувчилари ҳамда Қўқон шаҳридаги автойўл техникуми аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Андижон ва Тошкент вилоятларидан кўплаб ана шундай мазмундаги шошилинчномалар келган. Мазкур рақамлар мамлакатимиз фуқароларининг умумхалқ Референдумига бўлган муносабатларидан ёрқин далолат бериб турибди.

**Парламент ва ҳокимликлар бўлими.**



*Тошкент вилоятининг Келес шаҳридаги 11-мактаб директори А. Халилов (ўртада) Референдумни тарғибот қилишда фаол иштирок этмоқда.*

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

